

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛАРИ

БУХОРО – 2021

муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиш лозим. Бошқача айтганда, тарихий онг, маълум даражада, ғоявий-мафкуравий функцияларни бажаради. Маълумки, тарихий онг ўз мазмун-моҳиятига кўра ғоявий-мафкуравий тавсифга эга. Тарихий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, халқнинг умумий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис-туйғу, ғоя ва қарашлари мажмуидир. Тарихий онг маданиятдаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар, кечинмалар тарзида кўринади.

Тарихий жараённинг маънавий жиҳатини ташкил қилувчи тарихий билимни тизимли тарзда, унинг барча босқичлари ҳамда даражаларида қабул қилиш зарур, чунки тизимли ёндашувсиз тарихий онг ҳақидаги тасаввурлар тўлиқ бўлмайди. Миллат тарихий хотирани йўқотар экан, келажакдан маҳрум бўлади. Тарихий онг ва тафаккур энг аввало, тарихни ўрганиш жараёнида шаклланади. Тарихий онг ва тафаккур ҳар қандай жамият учун улкан назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Европада олимларнинг эътибори ушбу муаммога қаратилгани бежиз эмас³⁹³.

Таъкидлаш лозимки, тарихий онг ва тафаккур ўзига хос тарзда ғоявий-мафкуравий вазифани бажаради ва миллий истиқлол ғоясининг шаклланишида ўзига хос рол ўйнайди. Унинг турли шаклларида умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, айна пайтда миллий ўзликни ўзида акс эттирган чуқур мазмун, теран ғоя ва инсоний қадриятлар мужассам бўлади. Ҳар бир шаклда у ёки бу миллатнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган миллий маданий, илмий, маърифий ва ғоявий-мафкуравий мероси ворислик тамойили асосида авлоддан-авлодга ўтиб боради. “Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир

³⁹³ Курарцева М.А., Коломеец Е.Н. Историография и историческое мышление. // Вестник Московского Университета. – Москва, Москва, 2004. – № 2. – С. 31-49.

қўлёмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”³⁹⁴.

САЙЁҲЛАР ТОМОНИДАН БУХОРО ВОҲАСИ МАРОСИМ ТАОМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Юсупова Манзура

Жаҳон тарихи кафедраси

катта ўқитувчиси

Халқимизнинг қадимги миллий қадриятлари бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, ўзбек миллий урф-одатлари, ислом дини билан боғлиқ одатлар, исломдан ташқари маросимлар, аза билан боғлиқ маросимлар ва тўй-ҳашам билан боғлиқ урф-одатлар каби маросимлар халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Айниқса, Бухоро воҳаси маросим таомларининг тайёрланиш хусусиятлари, таркиби, қайси маросимларда қандай таомлар тайёрланади ва нима учун тайёрланади, кимлар томонидан тайёрланади, истеъмол қилиш тартиби, таомларнинг мифалогияси, этноижтимоий асосларини ўрганиш бугуннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, Бухоро воҳасининг миллий таомлари ва пазандачилик соҳасидаги анъаналар, ўтказилаётган тадбирлар, танловлар ва пиширилаётган таомлар жаҳонга машҳур бўлиб, дунё мамлакатлари халқларининг Бухоро воҳасига бўлган қизиқишини ошириб, таом тайёрлаш маданиятимизни бутун дунёда машҳур этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ борки, уларнинг диққатини жалб этган энг қизиқ нарса, бу - Бухоро воҳаси этнография, урф – одат ва маросимлари бўлган. Ўзбек халқ этнографиясига оид материаллар тўплаш даври XIX асрда бошланади. XIX асрнинг биринчи ярмидан *Н.Н.Муравьёв, А.Ф.Негри, Н.В.Хаников, П.И.Данилевский*лар хотиралари ўлкамиз халқлари

³⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 1 октябрь.

этнографиясини ўрганишдаги дастлабки илмий қадамлар бўлди. 1820 йилда Бухорога жўнатилган А.Ф. Негри бошчилигидаги дипломатик миссия қатнашчиларидан Э.А.Эверсман, Х.Пандер, П.Яковлев, Будрин ва полковник Мейендорфларнинг китоб ва хотиралари бой тарихий этнографик маълумотларга эга. Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёхат» номли китобида Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлат тузилиши ва аҳолиси, машғулоти, қишлоқ хўжалиги, суғориш системаси, ҳунармандчилиги, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин-қизларнинг турмуши ҳақида маълумотлар келтирилган.³⁹⁵

"Ўзбекларда янгича маросимларнинг шаклланиши" монографиясида Н. П. Лобачева никоҳ тўйларини иккига — анъанавий ва янги тўйларга бўлиб ўрганади. Биринчи босқич тўй тайёргарлиги ёки тўй арафаси деб номланади. У никоҳ қунигача амалга ошириладиган бешиққудо (бешиккерт, тожик аҳолиси орасида — гаҳворабахш), қиз танлаш, совчилик, нон синдириш, рўмолча улашиш, фотиҳа тўйи, қалин олиш, маслаҳат оши сингари узвларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич катта тўй деб номланиб, келинни нпқоҳлаш ва олиб келиш билан боғлиқ либос кийдириш (ёки сарпо кийдириш), куёв элтиш, куёв билан келинни чимилдиққа киритиш, келин ўтирсин, куёв ўтирсин, келинни куёвнинг уйига кузатиб бориш, тор уриш (ёки келинни сепини ёйиш), баланд жой (ёки бахт жойи) солиш сингари қатор маросимларни ўз ичига олади. Катта тўй босқичига хос характерли ҳолат айрим маросимларнинг икки мартадан, яъни, ҳам келин, ҳам куёвнинг уйида такрорланишидир³⁹⁶. Яна бир сайёҳ Г. П. Снесарев ўз кузатишларини шундай изоҳлайди: “нон тўй ва танта- наларда рамзий, яширинган кучга, сирли кучга эга бўлган, кимки ушбу нонни олса, унинг келажакда ризҳ-рўзи бутун бўлган” .

³⁹⁵ Алимова Р.Р. Марказий осий халқлари тарихи сўнги ўрта асрларда Ўрта Осиё хонлиқларининг ташқи иқтисодий алоқалари. Т.: 2006.-С.19-20., Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.; Наука, 1975. –С182.

³⁹⁶ Ҳаёт Исмоилов: Ўзбек тўйлари: Тошкент//Ўзбекистон' 1992

Ҳозирги кунда олиб борилган таҳлиллар ва кузатишлар натижасида шундай хулоса қилиш мумкин-ки, кўпчилик инсонлар, хусусан саёҳатчилар таомларни истеъмол қилишда унинг топонимикасига (жойнинг номига) ҳам эътибор қаратишади. Масалан: Бухороча ош, Бухоро жаркопи, Гиждувон шашлик, Олот сомса, тошкентча ош, андижонча ош, жиззахча палов, қашқадарёча ош, самарқандча ош, хоразмча палов, Гиждувон кабоби, қашқадарёча “дашт” шўрва, қашқадарёча тандир. Бу номлар билан аталиши таомни янада машҳур қилган ва гострономик туризмни ривожланишида хизмат қилади.

XIX аср охирида рус тадқиқотчиларидан Н. В. Хаников ва П. И. Небольсинлар Бухоро амирлиги иқтисоди, аҳолисининг этник таркиби ва сиёсий ҳаёти билан қизиқишиб, ўз асарларида амирлик ҳудудида етиштирилган мева ва сабзавот турлари ҳамда улардан тайёрланадиган таомлар, аҳолининг чой ичиш тартиби, хусусан, ширчай ва минтақага хос айрим гўштли таомларга ҳам эътибор қаратишган. XIX аср охирларига келиб Туркистон тарихи ва этнографиясига оид маълумотлар тўплана бошланди. XX аср бошларида Ўрта Осиё халқлари. жумладан, тожик халқининг таомлари ва ичимликларини А. Шишов ўрганган бўлса, Бухоро амирлиги аҳолисининг турмуш тарзини ёритган Н. А. Фредрих уларнинг овқатланиш тартиби, аҳолининг меҳмондўстлиги, хусусан, маҳаллий аҳоли орасида паловнинг энг сеvimли таом эканлиги ва қандолатчилик маҳсулотлари ҳақида ҳам маълумот берган. Мазкур тадқиқотлар, гарчи профессионал мутахассислар томонидан бажарилмаган бўлса – да, тадқиқот мавзуси доирасида илк эълон қилинган илмий изланишлар эканлиги ва шахсий кузатувлари асосида ёзилганлиги билан аҳамиятлидир. Шунини ҳам қайд этиш жоизки, ушбу ишлар кўпинча мутахассислар томонидан йиғилмаганлиги боис минтақа аҳолисининг анъанавий маросим таомлари таҳлили борасида батафсил маълумот бера олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук – юлуқ маълумотлар мажмуи бўлиб қолган. XX асрнинг биринчи чорагида анъанавий таомлар ва улар билан боғлиқ урф – одатлар юзасидан

махсус тарихий – этнографик тадқиқот олиб борган Е. М. Пещерева Яғноб, Қоратегин, Ҳисор, Болжувон каби тоғлик тожикларнинг сутли таомлари ва улар билан боғлиқ урф – одатларни ёритиб берган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб анъанавий таомларга алоқадор бўлган этнография борасидаги илмий изланишлар янада бойиб борди. Воҳада қадимдан ўзбеклар билан бирга тожиклар ҳам яшаб келганлиги боис, уларнинг урф – одатлари бир – бирига яқин бўлган. Тожик халқи таомларининг Бухоро воҳаси тожиклари таомларига хос умумийлиги ва ўхшашлигини шу даврда ёритилган бир қатор асарларда кўриш мумкин³⁹⁷.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.;
2. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008. – 290 б.;
3. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – 110 б.;
4. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (*Сурхон воҳаси мисолида*). Т. “Янги нашр” 2010 у. – Б. 7
5. М.Жўраев, Л.Худойқулова: Маросимнома. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент 2008.
6. Ҳаёт Исмоилов: Ўзбек тўйлари: Тошкент//Ўзбекистон' 1992

³⁹⁷ Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (*Сурхон воҳаси мисолида*). Т. “Янги нашр” 2010 у. – Б. 7

таҳлили.....221

Ўтаева Феруза. Бухоро тарихини ўрганишда археологик тадқиқотларни ўрни.225

Ҳайдарова Ҳанифа. Носир Хисравнинг жаҳон фалсафасидаги ахлоқий ғоялар228

Ҳайитов Жаҳонгир. Жаҳондаги миграция жараёнларининг экин навларини тарқалишига таъсири.....232

Ҳайитов Шодмон. 1914 – 1918 йилларда Россия – Эрон, Россия – Афғонистон чегарасидаги аҳволга доир (архив ҳужжатлари асосида).....236

Ҳакимова Гулноза. Бухоро амирлиги таркибига кирувчи Жанубий Туркистондаги ўзбек бекликларининг сиёсий ҳаётига бир назар.....241

Халилова Зилола. XX асрда хорижий шарқ мамлакатларида таълим ислохотлари ва унинг Марказий Осиёга таъсири246

Ҳамроев Дилмурод. Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг расмий матбуотда ёритилиши253

Ҳасанов Камолиддин. Ўзбекистон ва Туркия абадий дўстлик сари.....256

Шарипов Умид. Дунёвий бошланғич таълимнинг вужудга келиши тарихига бир назар.260

Элова Дилноза. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга янги ҳарбий қурол – яроғларнинг кириб келиши тарихи.....263

Эргашев Ақобир. “Осор ул бокия” асарида халқ таквимлари.....268

Эрназаров Шермуҳаммад. “Цивилизация” тушунчаси хусусида айрим мулоҳазалар.....270

Юсупова Манзура. Сайёҳлар томонидан Бухоро воҳаси маросим таомларининг ўрганилиши.....274